

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЭГАМОВ АБДУМАЛИК АДИХАМОВИЧ

**НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

Эгамов Абдумалик Адихамович

Нажмиддин Кубронинг тафсир илми ривожига қўшган ҳиссаси..... 3

Egamov Abdumalik Adixamovich

Contribution of Najmiddin Kubra to the development of tafsir science 21

Эгамов Абдумалик Адихамович

Вклад Нажмиддина Кубра в развитие науки тафсир 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 41

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ЭГАМОВ АБДУМАЛИК АДИХАМОВИЧ

**НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ТАФСИР ИЛМИ РИВОЖИГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

24.00.02 – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ИСЛОМШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/IsI38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.iiu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исломов Зоҳиджон Маҳмудович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муҳамедов Неъматилло Асатуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc) доцент

Юлдашҳаджаев Ҳайдархон Ҳошимхонович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» декабрь соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, e-mail: info@iiu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, e-mail: info@iiu.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» декабрда куни тарқатилди.

(2022 йил 18 ноябрдаги 13 рақамли реестр баённомаси).

Д.Р.Махсудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

Н.А.Муҳамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тарих фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон исломшунослигида Куръони каримнинг маъно-мазмунини очиб беришда тасаввуфий тафсирлар алоҳида ўринга эга. Тафсир соҳаси ривожидан Мовароуннаҳрда тасаввуфий тафсирлар (التفسير الإشاري) “ишорий тафсир” кенг тараққий этиб, бу борада Умар ибн Исмоил ан-Насафийнинг (1069-1142) “ат-Тайсир фи-т-тафсир”, Хўжа Муҳаммад Порсонинг (ваф.1421) “Тафсири Хожа Муҳаммад Порсо”, Яқуб Чархийнинг (ваф. 1447) “Тафсири Чархий” асарлари ёзилди. Хоразимлик аллома Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-нажмия” (التاويلات النجمية) тафсири эса, ишорий тафсирлар йўналишидаги муҳим асарлардан саналади.

Дунёнинг бир қатор илмий-тадқиқот марказларида тасаввуфий тафсир манбаларини чуқур ўрганиш ва асл моҳиятини очишга эътибор қаратилаётгани ушбу турдаги манбаларнинг илмий аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда тасаввуфий тафсирларнинг келиб чиқиши, унинг Қуръон (القران) ва ҳадис (حديث) даги асослари, сўфий муфассирларнинг оятларни шарҳлашдаги услублари, тасаввуфда назарий масалалар ишорий тафсирлар манбалари ва олимлари ҳамда унинг ҳозирдаги тадрижи алоҳида тадқиқ этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-нажмия” асаридаги ўзига хос жиҳатларни очиб бериш тафсир илмининг тасаввуфий тафсирлар соҳасидаги тадқиқотларнинг илмий савиясини бир поғона юқorigа олиб чиқади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тафсир илми уламоларининг илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳамда уни жамоатчиликка етказишда кенг имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, олимлар томонидан “Қуръон илмлари”, “Қуръоншунослик” “Тафсир илмига кириш”, “Моварауннаҳр ҳанафий мазҳаби тафсирлари (XIII-XV асрлар)” каби асарлар ёзилган. Шу нуқтаи назардан, Мовароуннаҳр тафсир илми ривожидан ўзига хос мавқега эга бўлган Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий тафсир илмига оид меросини таҳлил этиш ҳамда олимнинг «ат-Таъвилот ан-нажмия» асарининг диний-ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 5 июлдаги 699-сон “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июндаги 519-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кутубхона фондидини хорижий адабиётлар билан бойитиш тўғрисида»ги қарори белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нажмиддин Кубронинг ҳаёти, фаолияти, илмий мероси Ғарб ва Шарқнинг шарқшунос олимлари томонидан тадқиқ этилиб, бу бўйича илмий мақолалар эълон қилинган.

Ғарб олимларидан: Ф. Мейер, Е.Э. Бертельс, М.Моле ва Мартин Ван кабилар Нажмиддин Кубро ва унинг илмий мероси тўғрисида муҳим маълумотлар беришган¹. бўлса ҳам бир асар эканлиги ҳақида маълумот берган.

Туркий олимлардан: Н.Ҳалимов, А.Пакетчи, С.Гўкбулут, К.Муҳаммадий, М.Р.Исфандиёр, С.Гўкбулут, С.Улудоғ ва Меҳмет Оқуян кабилар Нажмиддин Кубро ҳаёти ва унинг асарлари, қўлёзма нусхалари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар². Муҳаммад Иброҳим ўзининг “Айну-л-ҳаёт” асарида “Фотиха” сураси таҳқиқи ва Нажмиддин Кубронинг тафсир методи” номли диссертациясида Домод Иброҳим кутубхонасида 153 рақами остида ва Ҳасан Ҳусейний кутубхонасидаги 37 рақами остида сақланаётган қўлёзмаларнинг “ат-Таъвилот ан-нажмия” асари эканлигини гарчан икки номда ҳам бўлса ҳам бир асар эканлиги ҳақида маълумот берган. Сулаймон Атеш³ Нажмиддин Кубронинг тафсир илмига бағишланган асарини ўрганишга ўзининг улкан ҳиссасини қўшган.

Ўзбекистонда Ж.Камол, Э.Юсупов, Н.Комилов, А.Қаюмов, Ш.Жузжоний, М.Қодиров, И.Ҳаққул, А.Бектошева, О.Сафарбоев, И.Усмонов, З.Исҳоқова, Д.Махсудов, А.Муратов каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишларда Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий олим сифатида ҳаёти ва илмий меъроси борасида маълумотлар жамланган⁴.

¹ F. Meier. Die Fawaih al-Camal wa Fawatih al-Calal des Najm al-din al-Kubra. Wiesbaden, 1957; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва, Наука, 1965. («Четверостишия шейха Наджм ад-дина Кубра»). – С. 324–32; («Роман о шейхе Наджм ад-дине Кубра»). – С. 329–334; Martin Van Bruinessen. Najmiddin al-Kubra, Jumadil Kubra and Jamaliddin al-Akbar: Trances of Kubrawiyya influence in Early Indonesian Islam. – Brill, 1994. №2.- В. 305-329.

² Ҳалимов Н. Туркменский народный роман о шейхе Наджм ад-дине Кубра. – Туркменистон-Ашхобод ХИА, Ашхобод, 2001. 2-китоб. – Б. 32–38; Абдурафий Ҳақиқат. Борьба шейха Наджм ад-дина Кубра против насилия. – Туркменистон-Ашхобод ХИА, Ашхобод, 2001. 2-китоб. – Б. 113–125; Манучехр Мухсиний. Таҳқиқ дар ахволу осори Нажмиддин Кубро Увайси. – Техрон: Интишороти кутуби Эрон, 1967; Козим Муҳаммадий. Нажми Кубро. – Техрон: Интишороти тарҳи нов, 1380; Манучехр Мухсиний. Таҳқиқ дар ахволу осори Нажмиддин Кубро Увайси. – Техрон: Интишороти кутуби Эрон, 1967; Türkiye Diyanet Vakfı İslâm ansiklopedisi. (DİA). Cilt IV. – İstanbul, 1991. – S. 474–475; Ferideddin Attar; Tezkiretül Evliya. – İstanbul, 1991. – S. 12–13; Меҳмет Оқуян. Нажмиддин Дайе ва Тасаввуф тафсири. Рағбет. Б 39-40; Муҳаммад Иброҳим. Aynul-Hayat adli tefsir den fatiha surasinin tahkiki ve Necmuddin Kubranin tefsirdeki metodu. Yüksek lisans tezi. - İstanbul. Eylül. 2007. - Б. 56-69.

³ Сулаймон Атеш. Ишорий тафсир мактаби. Анкара университети. Тиология нашрлари 1974. – Б. 13-15.

⁴ Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1988. – 7-сон. – Б. 139–141; Шайх Нажмиддин Кубро.-Тошкент: Ёзувчи, 1995; Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: Халқ мероси, 1995; Маърифат юлдузи. – Урганч: УДУ, 1997. Шайх Нажмиддин – Кубро кутуби даҳр. – Тошкент, 1998; Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1988. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004; Бухорий С.С. Буюк хоразмийлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б. 3–7; Усмон О. Шайх Нажмиддин Кубро – Хоразмда мўғул истилошига қарши курашининг ғоявий ва маънавий раҳбари / «Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди» мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 78–84; Саидов У. Нажмиддин Кубро фалсафасида инсон талқини // Сино. – Техрон-Эрон: Бунёди андешаи исломи, 2001. – 3-сон. – Б. 44–46; Шариф Б.М. Ҳақдан халққа // Сино. – Техрон: Бунёди андешаи исломи, 2001. – 1-сон. – Б. 42–45; Қорабоев У. Н.Кубро ва унинг «латойиф» назарияси // Сино. – Техрон: Бунёди андешаи исломи, 2001. – 1-сон. ва – Б.46-47; ⁴ Сафарбоев О. “Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий таълимотларда инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари”. 2011; Усмонов И.

Юқорида зикр этилган илмий тадқиқот ишларида Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва илмий меъроси ҳақида маълумотлар берилган. Аммо, мазкур мавзу тизимли равишда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг, диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2020-2022 йилларда бажарилган А-1-051 – “Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-нажмия” асарининг тафсир илми ривожига аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасаввуфий тафсирларни ўрганишнинг илмий аҳамияти ва уларнинг илмий-назарий асосларини кўрсатиш;

тасаввуфий тафсирларнинг шаклланиш тарихини илмий асослаб бериш;

Нажмиддин Кубро илмий меросидаги ёндашувларни кўрсатиб бериш;

“ат-Таъвилот ан-нажмия” асарининг манбашунослик таҳлилин асослаб бериш;

асарда оятларнинг ёритилиш усуллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб бериш;

тафсирни “Тафсири Порсо” ва “Тафсири Чархий” билан қиёсий таҳлил қилиш;

тафсирдаги “зикр” масаласи таҳлилин ёритиб бериш;

асардаги “фақир” калимасининг ёритилишини очиб бериш;

оятларнинг ишорий маъноларида “тақво” калимасини ишлатишдаги ёндашувни аниқлаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Нажмиддин Кубронинг тафсир илмига доир илмий мероси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-нажмия” асаридаги тасаввуфий мавзулар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндошув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик анализ ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Нажмиддин Кубро “ат-Таъвилот ан-нажмия”да оятдаги “фақир” (فقير) тушунчасини бирламчи луғавий маъноси бўлган “камбағаллик” мазмунида қўлламай, балки “камтарлик” ва “моддий бойликка хирс қўймаслик” (ترك حب الدنيا)

Тасаввуф тарикатлар тарихи. Ўқув методик мажмуа. Тошкент ислом университети. 2011; Исҳоқова З. Шайх Нажмиддин Кубро Тошкент. Ўзбекистон. 2013; Махсудов Д. Мовароуннаҳр ханафий мазҳаби тафсирлари. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент 2019; Бектошева А. Тарикат, маърифат ва шеърият муштараклиги (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижоди мисолида) филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 2019; Муратов А. Абу Ҳафс Насафий “Тайсир фи-т-Тафсир” асарининг манбашунослик тадқиқи. Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Ташкент. 2021.

деб шарҳлаши орқали сўфийликда бойликка эгалик қилиш мумкинлиги ғоясини илгари сургани аниқланган;

бугунги кунда “қўрқиш”, “сақланиш” каби маъноларда талқин қилинаётган “тақво” (تقوي) ибораси моҳияти, анъанавий тафсирлардан фарқли равишда, Нажмиддин Кубро ёндашувида “ҳақиқат” (حقیقة – Аъроф, 26-оят), “ҳолис ният” (خلوص النية – Ҳаж, 37-оят), “ҳақ йўлида ҳамкорлик қилиш” (تعاون علي الحق – Моида, 2-оят), “ҳурмат” (حفظ الادب – Ҳужурот, 3-оят) каби янада кенг маъноларни ифода қилиши очиб берилган;

Нажмиддин Кубронинг “қалбнинг зикри ахлоқ билан” ибораси орқали “зикр” (ذکر) тушунчаси нафақат ибодат ва дуо ўқишнинггина эмас, балки хулқнинг зийнатланишини ҳам ўз ичига олиши тўғрисидаги талқини жамиятда меҳр-оқибатни янада раванқ топишига ҳисса қўшиши исботланган;

асар сўфийлик фалсафаси (الفلسفة الصوفية)га асосланган тафсир саналса-да, муаллиф оятларни шарҳлашнинг энг яхши услуби – Қуръонни Қуръон билан шарҳлаш деб қабул қилгани сабабли кўп ҳолларда бир оят изоҳида уртага оятни далил сифатида келтириб, ўз асарини нақлий тафсир мақомига олиб чиққани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“ат-Таъвилот ан-нажмия” асарининг Шайх Нажмиддин Куброга тегишлилиги борасидаги эътирозларнинг асоссиз экани тафсирнинг “аз-Зориёт” сураси 19 оятигача бўлган қисмида муаллиф бошқа асарларига ҳам хос бўлган “أصول عشرة” (ўнлик услуби) қўллангани аниқланган;

тадқиқот натижасида Нажмиддин Кубро “ат-Таъвилот ан-нажмия” асарида оятлар тафсирида оятни оят билан, оятни ҳадис билан ва оятнинг зоҳирий маъноларига зид бўлмаган ботиний маъноларни ифодаловчи ҳикмат ҳамда шеърлар воситасида шарҳлагани очиб берилган;

Нажмиддин Кубро асарида тасаввуфий мавзуларни ёритиб беришда ишорий маънолардан кенг фойдаланиб, “зикр”, “фақир” ва “тақво” каби ибораларни батафсил очиб бергани аниқланган;

олимнинг илмий фаолияти тарихий ва илмий манбалар асосида тадқиқ этилиб, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институти асосий фондида сақланаётган ҳамда Нажмиддин Куброга нисбат берилган 6 та асардан фақат инв.№ 10395 рақами остидаги манбанинг 92-бети унга тегишлилиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги “ат-Таъвилот ан-нажмия” асарининг Туркиянинг Домот Иброҳим кутубхонасида 153 рақами остида, Сулаймония кутубхонаси Ҳасан Ҳусайний 37 рақами остида, Холид афанди 18 рақами остида, Қилич Али 92 рақами остида ва Мурод Бухорий 12 рақами остида сақланади. Қоҳира “Дору-л-кутуби-л-амирия” кутубхонасида 26 рақами остида сақланади. Байрут “Дору-л-кутуби-л-илмия” кутубхонаси 53232 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхаси Аҳмад Фарид Мажидий томонидан амалга оширилган замонавий нашрга таянилгани, далиллар билан асослангани, замонавий, қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилгани ҳамда Шарқ ва Ғарб исломшунослик мактабларида шаклланган қатор илмий тадқиқот усулларида

фойдаланилгани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган Нажмиддин Кубронинг тафсир илмлари ривождаги ўрни ҳамда “ат-Таъвилот ан-нажмия” асарининг тафсир илмида муҳим манба эканлиги борасидаги илмий-назарий хулосалар соҳага оид келгуси илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида ўқитиладиган «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Ўрта Осиёда ислом тарихи», «Исломшунослик», «Қуръоншунослик», «Мовароуннаҳр алломалари» каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитишда, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Нажмиддин Кубронинг тафсир илми ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

Нажмиддин Кубро “ат-Таъвилот ан-нажмия”да оятдаги “фақир” (فقير) тушунчасини бирламчи луғавий маъноси бўлган “камбағаллик” мазмунида қўлланмай, балки “камтарлик” ва “моддий бойликка хирс қўймаслик” (ترك حب الدنيا) деб шарҳлаши орқали сўфийликда бойликка эгалик қилиш мумкинлиги ғоясини илгари сургани аниқланганига оид илмий хулосалар Дин ишлари бўйича кўмитанинг буюртмаси асосида тайёрланган «Ислом энциклопедияси» мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлар бўйича кўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 02-03/7584-сонли маълумотномаси). Натижада шариатнинг асосий манбаи Қуръонни тушуниш ва уни тўғри талқин қилиш, тасаввуфий тушунчалар моҳиятини кенгроқ очиб беришга хизмат қилган;

бугунги кунда “қўрқиш”, “сақланиш” каби маъноларда талқин қилинаётган “тақво” (تقوي) ибораси моҳияти, анъанавий тафсирлардан фарқли равишда, Нажмиддин Кубро ёндашувида “хақиқат” (حقیقة – Аъроф, 26-оят), “холис ният” (خلوص النية – Ҳаж, 37-оят), “ҳақ йўлида ҳамкорлик қилиш” (تعاون على الحق – Моида, 2-оят), “хурмат” (حفظ الادب – Ҳужурот, 3-оят) каби янада кенг маъноларни ифода қилиши очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги мадраса ва олий ўқув муассасалари талабаларига “Тафсир илмига кириш” номли китоб мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2022 йил 5 октябрдаги 2534-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодни соф тасаввуфий тушунчалар билан таништиришга хизмат қилган;

Нажмиддин Кубронинг “қалбнинг зикри ахлоқ билан” ибораси орқали “зикр” (ذکر) тушунчаси нафақат ибодат ва дуо ўқишни, балки халқ орасидаги хулқнинг зийнатланишини ҳам ўз ичига олиши тўғрисидаги талқини жамиятда меҳр-оқибатни янада равнақ топишига ҳисса қўшиши исботлангани тўғрисидаги илмий хулосалардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази буюртмаси асосида тайёрланган “Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-

фалсафий мероси” номли китоб мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 20 октябрдаги 02/271-сон маълумотномаси). Натижада ўсиб келаётган ёш авлодда ислом дини ва тасаввуфи тўғрисида, айниқса, фақирлик масаласи ҳақида тўғри тасаввур ва кўникмаларга кўмаклашган; асар сўфийлик фалсафаси (الفلسفة الصوفية)га асосланган тафсир саналса-да, муаллиф оятларни шарҳлашнинг энг яхши услуби Қуръонни Қуръон билан шарҳлаш деб қабул қилгани сабабли, кўп ҳолларда бир оят изоҳида унга оятни далил сифатида келтириб, ўз асарини ҳам нақлий, ҳам ақлий тафсир мақомига олиб чиққани далиллангани тўғрисидаги илмий хулосалардан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюртма асосида тайёрланган “Буюк юрт алломалари” номли китоб мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 20 октябрдаги 02/271-сон маълумотномаси). Натижада китобхонлар аллома асарининг тафсирлаш услубига оид янгиликлар, уларнинг мазмун моҳияти билан яқиндан танишишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 8 та: 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган. 3 та халқаро ва 5 та маҳаллий анжуман тўпламларида тезислар эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тасаввуфий тафсирларни ўрганишининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобининг биринчи банди *«Тасаввуфий тафсирларни ўрганишининг илмий аҳамияти»* деб аталган. Унда тасаввуфий тафсир илмисиз оятларни ишорий маъноларини англаш қийин экани

асосланб берилган. Қуръони каримнинг кўп жойларида, тафаккур юритиш, улар ҳақида мулоҳаза қилишга тарғиб қилинади. Тасаввуфий тафсирлар ҳадисшунослик илмидан ажралиб, мустақил тафсир илми деб атала бошлаган давридан оятлар мазмун моҳиятини ёритиб беришда муҳим ўрин тутиши очиб берилган. Жумладан, тасаввуфий тафсир асарлар ёзилишида оятнинг зоҳирий маъносига мос келиш, асарларда фикҳий масалаларни баён этишда шариат қонун-қоидаларига таяниш, араб тили қоидаларига мувофиқ келиш, асарда баён этилган қарашлар оят ва ҳадисга зид бўлмаслик ва ҳар бир масала юзасидан ўзидан олдинги тасаввуфий тафсирларнинг қарашларини баён этиб хулосалар чиқариш услублари қўлланилган.

Тасаввуфий тафсирлар мутасаввифларнинг оят ҳадисга зид бўлмаган ўз қарашлари орқали ёзилган асар ҳисобланади. Натижада, оятларни шарҳлашда турли ёндашув ва қарашлар вужудга келиб, уларни ўрганиш ва билишга бўлган зарурият ишорий тафсирлар аҳамиятини оширган. Муаллифлар ўз мазҳаблари, тариқатларидан келиб чиқиб, оятларни шарҳлашда, шаръий масалаларда мазҳаббоши қарашларидан фойдаланса, сўфийлик масалаларида ўз шайхлари фикрларига асосланган. Тасаввуфий тафсирлардаги ушбу методология, бугунги кунга қадар илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қуръонни тушунишда оятлар нозил бўлган давр тарихи, жамиятда мавжуд ақида ва урф-одатларни билиш, оғзаки тилнинг ўзгариб бориши каби омиллар тафсир илмига бўлган эҳтиёжни юзага чиқарди. Натижада оятларни шарҳлашда турли ёндашув ва қарашлар вужудга келиб, уларни ўрганиш ва билишга бўлган зарурият нафақат нақлий, балки ишорий тафсирларни ҳам аҳамиятини ошириб, ихтилофларни бартараф этишда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб берди.

«Тасаввуфий тафсирлар ва уларнинг шаклланиш тарихи» деб номланган иккинчи бандида тасаввуфий тафсирларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиш тарихи ўрганилган.

Ишорий тафсирлаш Қуръони каримнинг “Нисо” сураси 78-оятига асосланиб, аввал Пайғамбар (с.а.в.)дан, сўнг саҳобалардан саналган Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.), Абдуллоҳ ибн Маъсуд (р.а.) ботиний маъноларини изоҳлаб берганлар. Тобеинлардан Ҳасан Басрий (641-728), сўнгра Иброҳим ибн Аҳмад (718-777), Жунайд Бағдодий (830-910) каби мутасаввиф олимлар Қуръони карим оятларини шарҳлашда зоҳирий ва ишорий маънолардан фойдаланган.

Бу ерда зоҳирий маънолардан ташқари, ботиний маънолар ҳам борлигини айтиб ўтган. Қуръони карим оятларини шарҳлашда кўпроқ ботиний маъноларга урғу берганлар эътирозга учраган. Чунки улар ишорий тафсир талабларидан ташқарига чиққан. Мутасаввиф муфассирларда бундай ҳолат йўқ, аксинча, улар ишорий тафсир талабларига қатъий амал қилганлар. Оятларни шарҳлашда ҳадисларни ўрни муҳимлиги, муҳаддисларни тафсир илмида ҳам моҳир бўлишига сабаб бўлган.

Пайғамбар (с.а.в.), саҳобийлар даврида Қуръони каримнинг ботиний маъноларига берилган изоҳлар кейинчалик ишорий тафсирларга манба бўлиб хизмат қилди. Ишорий тафсирлар, Қуръони карим нозил бўлган вақтдан мавжуд бўлган бўлса-да, Х асрга келиб, тафсирлашнинг бир йўналиши сифатида шаклланди. Ишорий тафсирларнинг сўфийлик фалсафасига

асосланган тафсирлардан ажратиб турувчи жихатлари изохнинг қисқалиги ва тушуниш осонлигида намоён бўлади. Табиийки, ушбу жараёнларнинг барчаси тасаввуфий тафсирларнинг турли-туман бўлишига ўз таъсирини ўтказган.

Ҳаким Термизий (835-932) ҳам Мовароуннаҳрда биринчилардан бўлиб ишорий тафсир ёзган. Муҳаммад Воситий (ваф. 942), ас-Суламий (ваф. 1021) қаламига мансуб “Ҳақиқату-т-тафсир” асари мавжуд. Абдулкарим ал-Кусайрий (ваф. 1072), “Латоифу-л-ишорат”; Муҳаммад Майбудий, “Кашфу-л-асрор”; Ҳаким ал-Андалусий (ваф.1141), “Танбиху-л-афҳам”; Муҳаммад Рўзбехон (1128-1209) “Ароису-л-Баён фи ҳақоиқу-л-Қуръон” номли китоблари бўлиб, Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-нажмия”га манба бўлиб хизмат қилгани аниқланган.

Тадқиқот натижасига кўра, тасаввуфий тафсирларнинг илк пайдо бўлиш даври Қуръони карим нозил бўлган вақтдан бошланиб, ривожланиш даври тобеинлар даврига тўғри келиши кўрсатиб ўтилган.

Биринчи бобнинг «Нажмиддин Кубро илмий меросидаги ёндашувлар» номли учинчи бандида Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва нисбат берилган асарлари ҳақидаги қарашлар ўрин олган.

Нажмиддин Кубро Хоразмда 1145 йилда туғилган. У 15 ёшида Мисрга бориб, Муҳаммад Рўзбехондан (ваф.1189) шариат илмларини ўрганган. Етарли билим олгандан сўнг, Табризга келиб, Абу Мансур Хафддан “шарҳу-с-суан”ни ўрганган. Қайтиб Мисрга келиб Муҳаммад Рўзбехон кўрсатмаси билан Исмоил Касрий (ваф. 1183) ва Аммор Ёсир Бидлисий (ваф. 1187), кўлида тасаввуфнинг нозик жихатларини ўрганган. Устозларининг барчаси Абулнажиб Сухравардий шогирдларидан бўлган. Абулнажиб Сухраварди Абдурахмон Жомийнинг ёзишча, зоҳирий ва ботиний илмларда мукаммал киши бўлиб, кўп рисола ва китоблар ёзган. Сўфийлик нисбати эса, Шайх Аҳмад Ғаззолийга бориб туташган⁵.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида Нажмиддин Кубро номи остида сақланаётган “Иршоду-т-толибин” (ارشاد الطالبيين – Толибларнинг тўғри йўли), “Ҳикояти бесарнома” (حكايت بي سرنامه – Номсиз ҳикоя), “Рисалату фи-л-фақир” (رسالة في الفقر – Фақирлик ҳақида рисола), “Рисалату мин муаллифати Шайх Нажмиддин Кубро” (رسالة من مؤلفات شيخ نجم الدين الكبرا – Шайх Нажмиддин Кубро асарларидан бир рисола), “Ҳафт боби Шайх Нажмиддин Кубро” (هفت باب شيخ نجم – Нажмиддин Кубронинг етти боби) ва “Қавлу Нажмиддин Кубро” (قول – Нажмиддин Кубро сўзи) номли асарлари мавжуд. Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида “Усулу-л-ашара” (اصول العشر – Ўн усул) номли асари сақланади. Аҳмад Фарид Мазийдий бу асарнинг араб тилидаги “Баёну ақроби-т-торик” (بيان اقرب الطرق - Яқин йўл баёни) ва “Рисалату фи-с-сулук” (رسالة في السلوك – Сулук ҳақида рисола) номли кўлөзма нусхалари ҳам сақланаётган бўлиб, унинг таркиби айна ўзи деб айтиб ўтилган.

Бертельс Е.Э. (1890-1957) “Айну-л-ҳаёт” (عين الحياة – Ҳаёт булоғи) номли асарни Нажмиддин Кубро маноқиблари тадқиқи жараёнида (публичная библиотека, араб. нов. сер., №17)да кўрдим дейди. Асар Санкт-Петербург кутубхонасида сақланади⁶, Аҳмад Фарид Мазийдий ва Фриц Мейер⁷ (1912-1998)

⁵ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент, Халқ мероси. 1995. - Б. 11.

⁶ Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолаёе одобул зокирин. – Урганч, 1997. – Б. 8.

⁷ Қаранг: F. Meier. Die Fawaih al-Camal wa Fawatih al-Calal des Najm al-din al-Kubra. Wiesbaden, 1957.

Нажмиддин Куброни “ат-Таъвилоту-н-нажмия фи-т-тафсири-л-ишори-с-сўфий” (التاويلات النجمية في التفسير الإشاري الصوفي – Сўфийликга ишора тафсирида Нажмиддиннинг шарҳлари) асари эканлигини айтиб ўтган. Асар тадқиқот жараёнида “ат-Таъвилот ан-нажмия” номи билан аталган.

Диссертациянинг «**Нажмиддин Кубронинг тафсир илми ривожиди тутган ўрни**» деб номланган иккинчи бобининг биринчи параграфи «*ат-Таъвилот ан-нажмия*» асарининг манбашунослик таҳлили» деб номланиб, «ат-Таъвилот ан-нажмия» асарининг қўлёзма нусхалари уларнинг манбашунослик таҳлили ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Бугунги кунда Туркия, Ливан, Миср, Россия ва Швецарияда асарнинг 40 дан ортиқ “ат-Таъвилот ан-нажмия”, “Айну-л-ҳаёт” ва “Бахру-л-ҳақоик” номларда қўлёзма нусхалари сақланади. Нажмиддин Кубро мўғуллардан Хоразмни ҳимоя қилиш чоғида шогирди Нажмиддин Розийга бир нечта асарларни Бурса шаҳрига олиб кетиш ҳақида кўрсатма бергани асарнинг аксар қисми Туркияда сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Тадқиқотда “ат-Таъвилот ан-нажмия” асари 7 та қўлёзмасининг манбашунослик таҳлили амалга оширилган. Туркия давлати Домот Иброҳим Пошшо кутубхонаси 153 рақами остида ва Сулаймонния кутубхонаси Ҳасан Ҳусайний 37 рақами остида, Холид афандида 18 рақами остида, Қилич Алида 92 рақами остида ва Мурот Бухорий 12 рақами остида бизга маълум 5 та қўлёзмаси мавжуд. Ливанда “Дору-л-кутубу-л-илмия” кутубхонасида 53232 рақами остида 1 та 5 жилдли қўлёзма нусхаси сақланади. Қохирада “Дору-л-кутубу-л-амирия” кутубхонасида 26 рақами остида 5 жилдли 1 нусхаси мавжуд. Ливан, Қохирадаги “ат-Таъвилот ан-нажмия” номли асарлар Сулаймония кутубхонасидаги “Айну-л-ҳаёт” номли қўлёзма асар “Фотиҳа” сураси мисолида қиёсланганда айнан бир китоб эканлиги аниқланди.

Қўлёзмаларда “ат-Таъвилот ан-нажмия”, “Айну-л-ҳаёт” асари тўлиқ сақланиб қолган. Унда суралар номи, оятлар алоҳида ажратиб кўрсатилган. Буларнинг матнга нисбатан уст қисмига чизик тортиш, сўзлар билан рақамланган қисмига ҳам қизил рангли чизиклар билан белгиланишида намоён бўлади. “Ат-Таъвилот ан-нажмия” ва “Айну-л-ҳаёт” қўлёзма нусхаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалгани, уларнинг мавжуд нусхалари сони ўша даврда ёзилган манбаларнинг мавжуд сонига нисбатан кўпроқ эканлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, асар нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам муфассирлар томонидан кенг истифода этилганини кўрсатади.

Тадқиқот натижасига кўра, мутасаввиф муфассирлар сифатида зикр қилинган Нажмиддин ар-Розийга «Бахру-л-ҳақоик», Алауддавла Симнонийга «Айну-л-ҳаёт» ва Нажмиддин Куброга «ат-Таъвилот ан-нажмия» асари мансублиги кўрсатиб ўтилди.

«*Асарда оятларнинг ёритилиш усуллари*» деб номланган иккинчи бандида «ат-Таъвилот ан-нажмия» асарида оятларнинг ёритилиш услуби ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Мазкур асар 1221 йил – муаллиф ҳаётининг сўнгги даврида ёзилган бўлиб, “Зориёт” сурасининг 19-оятигача тафсир қилинган. Асар 4 жилддан иборат. Нажмиддин Кубро Хоразм жангида вафот этгандан сўнг, асарнинг қолган қисмини шогирди Алоуддавла Симноний охирига етказган.

Асарда 51 та сура шарҳланиб, ботиний маънолар изоҳида тушунишга осон бўлгани учун “бунга бу-бу ишора” деб ўтган⁸.

“Ат-Таъвилот ан-нажмия” асарида оятларнинг шарҳлашда ўзига хос услуб, яъни оятни оят билан, оятни ҳадис билан, оят ҳадисга зид бўлмаган ўз қарашлари, баъзи ўринларда ҳарфлар маънолари, ибратли сўзлар ва шеърлардан ҳам фойдаланган. Асар сўфийлик фалсафаси услубидаги асар саналса-да, кўп ўринларда келтирилган далиллар унинг нақлий турда ёзилган тафсирлар сирасига ҳам қўшади. Тафсирда Ибн Аббос, Ибн Масъуд, Анас ибн Молик, саҳобалар сўзлари тобеинлар ривоятларидан ҳам фойдаланган. Унда араб тили имкониятларидан келиб чиқиб балоғат ва фасоҳат қоидаларидан кенг истифода этилган. Нажмиддин Кубро тафсир қилишда сўзларни нафақат филологик, балки ҳарфларни ҳам морфологик жиҳатдан таҳлил қилган.

Бу услуб машҳурлигидан Нисобўрий (ваф.1330) “Ғароиб ал-Қуръон”, Исмоил Ҳаққий Бурсавий (1653-1715) “Рух-у-л-баён” ва Маҳмуд Улусий (1803-1854) “Рух-у-л-маъоний” каби асарларда “ат-Таъвилот ан-нажмия”дан фойдалангани очиб берилди.

Иккинчи бобнинг «*Тафсирнинг «Тафсири Порсо» ва «Тафсири Чарҳий» билан қиёсий таҳлили*» деб номланган бандда асарларда ёзилган шарҳлар, изоҳлар ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Нажмиддин Кубро табиатан кенг феълли киши бўлган, шунинг учун унинг шогирдлари орасида аҳли сунна ва шиа эътиқодига мансублари ҳам мавжуд бўлган. Асарни тўлиқ ўрганмай туриб, қайси йўналишда ёзилганлигига баҳо бериш ўринсиз ҳисобланади. Биз ўрганган мавзудаги оятларга берилган шарҳлардан аҳли сунна эътиқодига мансублиги кўриниб туради. Шу сабаб, тафсирни қиёслашда “Тафсири Порсо” ва “Тафсири Чарҳий”лардан фойдаланилган.

Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 1421)нинг “Тафсири Хожа Муҳаммад Порсо” асарида “Қадр”, “Байина”, “Залзала”, “Вал одиёт”, “Қория”, “Такосур”, “Аср” ва “Хумаза” суралари ҳам шарҳланган бўлиб, битта қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА ШИ фондида 2180 рақами остида сақланади. Асарда оятларнинг шарҳлашда оятдан, ҳадисдан, улуғ олимлар сўзларидан фойдаланиб, ўз ёндашувини қисқа ва раван баён этган.

Усмон ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Ғазнавий Чарҳий (ваф. 1447) олимнинг тафсир илмига оид “Тафсири Чарҳий” номли асар ёзган бўлиб, Қуръони каримнинг 49 та сурасини шарҳлаган. Тадқиқотда муаллифнинг “Фотиха” ва “Қадр” сураларида фойдаланган. Унда ишлатилган тафсир услублари мутасаввиф муфассирларнинг фалсафий қарашларига берилмасдан ўз фикрини қисқа ва аниқ далиллар асосида шарҳлаш сирасига киради. Бу Сайид Подшоҳўжанинг илтимосига биноан, 1585 йили Хожа Ҳамадоний томонидан туркий тилга таржима қилинган. Бу тафсир “Тафсири Чарҳий”нинг таржимаси бўлиб, ЎЗР ФА ШИ фондида 5174 рақами остида сақланади. Шунингдек асарнинг ЎЗР ФА ШИ фондида 25 дан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланиб, уларнинг аксарияти илмий тавсифланган.

⁸ Аз-Заҳабий. Тафсиру-л-Муфассирун. – Қоҳира; Мактабату ваҳбия, 2000. 4-жилд. - Б-303.

Муаллиф муқаддимада “Мен аввал “Фотиҳа” охирида “Мулк” сурасини форс тилида “Тайсир”, “Кашшоф”, “Кавоший” ва бошқа асарларга эргашган ҳолда тафсир қилдим”, деб айтиб ўтади.

Нажмиддин Кубро эса, “Фотиҳа” сураси бошланишида Абу Муҳаммад Рўзбехон Баклий (устози) “Бисми (بسم)даги “Бе” (الباء) кўпликдан ажралиш, “Син” (السين) ёлғизлик (Илоҳ)га яқинлашиш, “Мим” (الميم) ёлғизлик (Илоҳ)га муҳаббат қўйиш” деб изоҳлашни бошлайди.

Асарларда оятларнинг ёритилиш услублари, тасаввуфий мавзуларга ёндашувлари қиёсланиб, улар ўртасидаги боғлиқлик ва фарқли жиҳатлари ўрганилди. Натижада, тасаввуфий тафсирларда ўзидан аввал ёзилган асарлар ва устозлари зикр қилиниб, ишорий тафсир талаблари бажарилган. Фарқли жиҳатлар, асосан, ёндашувларда учрайди.

Тасаввуфий тафсирлардан саналган бу уч манбанинг шарҳлаш услубидаги ўхшашлик ва ўзига хослик ҳар-бир сураларда намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**ат-Таъвилот ан-нажмия» асарида тасаввуфий мавзуларнинг ифодаланиши**» деб номланиб, «*Тафсирда “зикр” масаласи*» деб аталган биринчи бандда асарда “зикр” (ذكر) сўзининг Қуръони каримнинг 26 та сурасида, 51 та ўринда ишлатилганлиги⁹, зикр ва зокир (зикр қилувчи)нинг мартабалари очиб берилган. “Бақара” сурасининг 152-ояти шарҳида “Зокир”га берилган мукофотлар саналиб ўтилган, улар қуйидагилар:

- 1) Тилнинг зикри – ихтиёр (эслаганни эслашлик);
- 2) Аркон зикри – каромат (итоаткорнинг мукофоти);
- 3) Нафснинг зикри – ислом нури (юздаги нур);
- 4) Қалбнинг зикри – истиғфор (гуноҳнинг кечирилиши);
- 5) Рухнинг зикри – тавҳид ва қурбат (Яратганга яқинлашиш);
- 6) Сирнинг зикри – бақо (барча яхши сифатларни ўзида жамлаш).

Ушбу зикр турлари барчаси тил, қалб ва сир (онг) боғлиқлигида кегувчи жараёндир. Буларнинг ҳеч бири кишининг амалий ишларига тўсқинлик қилмай, балки унинг мукамал бўлишига ёрдам беради. Зикр баъзи ўринларда мутлақ борликдан узилиб, Ҳақ билан бирлашувга олиб келади. Биз зикр қилган усуллар “Ҳақдан халққа” деб юритилиб, инсонлар орасида бўлиб, қалбан Ҳақ ёдида бўлишдир.

Зикрдан мақсад Яратганни эслаш билан бирга, берилган барча неъматларига шукур қилишни ҳам ўз ичига олиб, шукур қилишни инсонларга берилган тана, беш ҳис ва моддий бойликларни асраб-авайлаш орқали изҳор қилинган. Яратганни эслаш бандани Аллоҳга эслатса, шукур қилиш эса, неъматларнинг зиёда бўлишига сабаб бўлган. Тасаввуф олимлари зикр қилишнинг турли услубларидан фойдаланганлар. Бирлари Аллоҳ номини тилда ёд этиш билан амалга оширган бўлса, бошқалари Аллоҳ номини қалбда ёд этиб, ўз касблари билан машғул бўлиш орқали амалга оширганлар.

Нажмиддин Кубро талқинида “қалбнинг зикри ахлоқ билан” деб жамиятда хулқнинг зийнатлашга катта эътибор қаратиб, ўз тариқатида жавонмардлик

⁹ Ботирбек Ҳасан. Қуръон-и Карим сўзларининг арабча-ўзбекча луғати. – Тошкент; Адабиёт ва санъат, 1995. - Б. 217.

ғояларини жорий этган. Натижада Хоразм ва Мовароуннахр жавонмардлари Ибн Батута “Саёҳатнома” асарида куйидагича таърифланган:

“Мен дунё кезиб, бундай мардлардан кўра, эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфаҳон аҳолиси гарчанд ўзларини жавонимардларга ўхшатсалар-да, аммо Хоразм ва Мовароуннахр жавонимардлари мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан баланд турадилар. Уларни Ироқда Шотлар, Хуросонда Сарбадорлар, Мағрибда Сукра дейдилар. Уларга тобеъ жойларда адолат расми ривожланган”.

Учинчи бобнинг «Асарда “фақир” калимасининг ёритилиши» деб номланган бандда “фақир” сўзининг маънолари ва унинг моҳияти очиб берилган.

«ат-Таъвилот ан-нажмия» асарида (فقر) фақрун ва (فقير) фақирун сўзлари ўртасида фарқ бор деб “қатлун” (قتل) ва “қатилун” (قتيل) калимасини келтиради, агар “қатлу-н-нафс” (قتل النفس) бўлса, у нафснинг ўлими, агар “қатилу-н-нафс” (قتيل النفس) бўлса, бу қалбнинг ўлиmidир. Сўздаги “й” (ى) ҳарфи кўшилиши билан танадаги амални қалбдаги амалга айлантиради.

Камтарликни ўз ичига жамлаган “фақирлик”ни бир нечта белгилари мавжуд бўлиб, улар ҳақида муаллифнинг “Рисолату фи-л-фақр” асарида айтиб ўтилади. “Фақирнинг дарси ҳикмат, назари ибрат, яқин дўсти сабр, либоси камтарлик, муаллими қаноат, эришгани яхши хулқ ва ихтиёри муҳаббатдир”¹⁰.

“Фақир” тушунчаси тасаввуфда ўзига хос мавқега эга. У мақомотнинг алоҳида босқичини англатишдан ташқари, умуман дарвешликнинг моҳиятини ҳам белгилаб беради. Тасаввуф луғатларида қайд этилишича, фақирлик “улуғ бир моҳият, инсоннинг илоҳий аслидир”. Илк тасаввуфий тариқатлар ҳалоллик, поклик, тўғрилиқ, художўйлик, адлу инсоф, меҳр-шавқат, мурувват, футувват, меҳнатсеварлик сингари бир қатор умумбашарий илғор қадриятлар билан бирга, ватанпарварлик, юрт ишқи билан яшашга чорлаган.

“Тавба” сураси 60-оят: “Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошна қилувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир”.

